Илм—ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

معرفت

MARIFAT

Халқ зиёлилари газетаси | 1931 йилдан чиқа бошлаган | 1993 йил 22 сентябрь, чоршанба | № 61 (6572). Баҳоси сотувда эркин нархда.

БУЮК АЖДОДИМИЗГА ТАЪЗИМ

Мустақил Ўзбекистонда биринчи бор буюк аждодимиз, тасаввуф аҳлининг султони Баҳоуддин Нақшбанд туғилган куннинг 675 йиллиги катта тантана билан нишонланди. Бу Ўзбекистон халқи учун ўзлигини англаш, миллий мафкура яратиш йўлида яна бир қутлуғ қадам бўлди. Мамлакатимиз Президенти жасорати туфайли буюк аждодларимизнинг улуғ номлари, халқ хотираси ва унинг тақдири муносиб давом этишига имкон яратилди.

Ислом динининг тараққиётига, нафақат дин, балки умумбашарий маънавий тараққиётга улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз Исмоил Бухорий, Термизий, Аҳмад Яссавий, Ғиждувоний каби Баҳоуддин Нақшбанд ҳам оламда шуҳрат таратган улуғ зотлардандир. Баҳоуддин Нақшбанд одамларнинг қўли ишда, дили Худода бўлиши керак, деган ғояни илгари сурди, ватандошларини меҳнатга чорлади. Бу борада ўзи ҳам ўрнак кўрсатиб тўқувчилик билан шуғулланди. Унинг исломни асл ҳолига келтириш керак, деган фикрини Шарқ мамлакатларидаги минглаб софдил мусулмонлар қўллаб-қувватладилар. Шу тариқа Бухорода нақшбандийлик ижодий мактаби вужудга келди ва асрлар давомида оммавийлик касб эт[illegible]

Шўролар даврида буюк аждодларимиз қатори Нақшбандни ҳам тарихимиз саҳифасидан чиқаришга, унинг хотирасини юракларимиздан ўчириб ташлашга қаттиқ уринишлар бўлди. Бироқ ҳеч қандай куч халқнинг тарихини йўқота олмайди. Бугунги кунда Баҳоуддин Нақшбанд юбилейининг нишонланиши бунинг бир тимсолидир.

Юбилейда Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Миср, Саудия, Афғонистон, Эрон, АҚШ ва бошқа давлатлардан дин ва давлат арбоблари, олимлар, журналистлар, ёзувчилар иштирок қилдилар. Тантаналарга катта тайёргарлик кўрилди. Қисқа давр ичида Қасри Орифондаги комплексни таъмирлаш ишларига 1 миллиард 300 миллион сўм сарфланди.

Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги тантаналари муносабати билан 16 сентябрда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Бухорода бўлди. Президент, шунингдек республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, Бош вазир ўринбосари М. Қорабоев, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Баҳоуддин Нақшбанд қабрини зиёрат қилдилар.

16—18 сентябрь кунлари қадимий Бухоро катта байрам тантаналарининг гувоҳи бўлди. Бутун умри давомида барча одамларни эзгуликка ундаган Нақшбанд ҳазратнинг руҳи орадан қарийб етти аср ўтгач, яна жаҳондаги кўплаб мамлакатларнинг мусулмонларини Бухорода дийдор кўриштирди. Байрамга чет давлатларнинг Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган элчилари, олимлар, ёзувчилар, жамоат арбоблари, хорижий меҳмонлар ташриф буюрдилар. Уларни бухороликлар нон ва туз билан қарши олишди. Меҳмонлар аввало Нақшбанднинг оналари қабрини, сўнг Ҳазратнинг мақбарасини зиёрат қилдилар. Бу ердаги жомий масжидида аллома ҳақида гурунг бўлди, сўнг Қуръон қироати танлови ғолибларининг чиқишлари тингланди.

Байрам кунлари қасри Орифонга одамлар дарёдек оқиб келдилар. Уларнинг кўзларида нур, юзларида ғурур, қалбларида қувонч мавж урарди. Кечқурун эса Бухоро шаҳридаги ибн Сино номли маданият саройида Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва фаолиятига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Бухоро вилояти ҳокими Дамир Ёдгоров, Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, Нақшбанд юбилейини нишонлаш республика ташкилий комиссиясининг раиси Муҳаммаджон Қорабоев, муфти Мухторжон Абдуллоҳ ал-Бухорий, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Далип Мехта, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол, шоир Садриддин Салим Бухорий ва бошқалар сўзга чиқишди. Йиғилиш аҳли Ўзбекистон Республикаси Президентига мактуб йўллади.

18 сентябрда буюк алломанинг ижодига бағишланган илмий-амалий конференциянинг ялпи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти М. Салоҳиддинов олиб борди. Конференцияда таниқли олимлар ва дин арбобларининг маърузалари тингланди.

Анжуман қатнашчилари Ғиждувон туманида ҳам бўлиб, Баҳоуддин Нақшбандининг маънавий устози Абдухолиқ Ғиждувоний мақбарасини ҳам зиёрат қилдилар.

Баҳоуддин Нақшбанд юбилейига бағишланган барча тантаналар авлодларнинг ўз буюк аждодларига меҳр-муҳаббатини, миннатдорчилик туйғуларини, ҳурмат-эҳтиромини тўла ифода этдики, бу ўзбекистонликларнинг ўзлигини англаш, миллий мафкура яратиш йўлидаги дадил интилишларининг чинакам намойишига ҳам айланди.

Олий таълим янгиликлари

МАЪНАВИЯТ ВА МАФКУРА ЎҚУВИ

Энг муқаддас бойлик кўнгилда сақланади. Энг бебаҳо туйғулар инсоннинг онгида шаклланади. Миллийлик, миллий ғурур тушунчаси ҳам шундай тушунчалардандир. Маънавий қадриятларимиз тикланаётган, халқимиз мустақиллик ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олаётган шу дориломон кунларда бу тушунчаларни ёш авлод онгига чуқур сингдирмоқ биринчи галдаги вазифалардандир.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида бўлиб ўтган «Маънавият ва мафкура ўқишлари» мавзуидаги семинар-кенгаш миллий мафкура масалаларига бағишланди. Семинар-кенгашни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири Ж. Абдуллаев миллий мафкуранинг таълим-тарбия билан боғлиқлиги, узвий жиҳатлари ҳақида гапириб, қуйидагиларни таъкидлади: — «Ўзбекистонимиз юксак тараққиёт босқичлари сари дадил одимлаётган давлат. Ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларида, жумладан, олий таълим, умуман таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳам худди шундан далолат беради. Ўқиш-ўқитиш борасида чет мамлакатлар билан тузилаётган шартномалар, ўқув дастур ва режаларидаги ўзгаришлар, кўп поғонали ўқув тизимига ўтилаётгани, хуллас, ҳамма-ҳамма интилишларимиз кадрлар сифатини яхшилашга қаратилган. Кадрлар эса юртнинг келажагидир.

Дарҳақиқат, юртнинг келажаги бўлган ёшларга миллийлик тушунчасини чуқур сингдирганимиздагина кўзланган мақсадга етишамиз. Шунинг учун ҳам бу тарбияни боғча ёшиданоқ бошлаб, ўрта мактабда, олий ўқув юртларида давом эттирмоғимиз даркор. Чунки юрагига Ватан туйғуси, юртга муҳаббат туйғуси чуқур сингиган одамнинг, ғурури, қудрати чексиз бўлади».

«Миллатнинг ўзини-ўзи билиши учун энг мунаввар кўзгу тарихдир». Тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби А. F. Абдунабиев ўз маърузасини шоир Абдулла Ориповнинг юқоридаги фалсафий ибораси билан бошлади. — Шунинг учун, — давом эттирди нотиқ, — «Маънавият ва мафкура ўқишлари мавзуидаги доимий семинаримизнинг дастлабки тарихимизга бағишланганлиги қувонарлидир. Олий ўқув юртларида ҳам худди шу мавзудаги семинар ташкил этилса нур устига аъло нур бўларди. Ундан ташқари олий ўқув юртларида тарихимизга доир бадиий адабиётлар ўқитишни ҳам йўлга қўйиш лозим.

Маърузачи ўз нутқида тарихимизни ўқитишда шу пайтгача йўл қўйилган хато ва камчиликлар, айрим тарихий шахсларга баҳо беришдаги бир ёқламаликлар, тарихий онгни шакллантиришнинг яхлит тизими, «Ўзбекистон тарихи» йўриқномасини ишлаб чиқиш, тарихни даврлаштириш, тарихда диёнат, адолат, қаттиққўллик тушунчаларининг ўрни, миллийлик ва миллатчиликнинг фарқи тўғрисида сўзлади.

Музокарада сўзга чиққан профессорлар К. Норматов, Ш. Шаропов, К. Усмонов ва бошқалар «Маънавият ва мафкура ўқишлари» семинар-кенгашини ўтказиш тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини баён этишди. А. F. Абдунабиев маърузасининг диққатга сазовор жиҳатлари устида тўхталишди.

Йиғилиш сўнгида «Маънавият ва мафкура ўқишлари» семинар кенгашининг ҳар ойда бир марта ўтказилиш тартиби ва маъруза матнини ҳамда мунозаралар изоҳини газетада эълон қилиниши келишиб олинди. Ўқувларни республика миқёсида мувофиқлаштириш мақсадида махсус ишчи гуруҳи тасдиқланди. Ишчи гуруҳи томонидан маънавият, мафкура ва иқтисод соҳасидаги долзарб ўн мавзуни белгилаб, уларнинг қисқа матнини вилоятларга етказиш кўзда тутилади. Ҳар бир мавзудаги ўқувлар барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўтказилиши зарурлиги, газетада босилган материаллар асосида маҳаллий муаллифлар томонидан ёзилган маъруза матнларини ишчи гуруҳга юборилиши тавсия этилди. Ҳар бир мавзу юзасидан илмий жиҳатдан юқори савияда ёзилган уч материалнинг тақдирланиши ва умумий тўпламда нашр этилиши лозим деб топилди.

З. УСМОНОВА,
ўз мухбиримиз.

Муштарий ва газетхон

«МАЪРИФАТ»ГА—ЮЗ ФОИЗ

Газета мундарижасини бойитишда муштарийлар билан мулоқот кони фойда. Абдулла Авлоний номли халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида «Маърифат» газетаси таҳририят ижодкорларининг ўз муштарийлари билан учрашувида бунга яна бир карра амин бўлдик.

Газетхонлар билан учрашувни институт ректори Ғайрат Шоумаров кириш сўзи билан очди. Таҳририят халқ таълими ва тарғибот бўлими мудири Маҳкам Раҳмонов газетанинг мақсад ва вазифалари ҳақида гапириб, таълим ислоҳотини амалга ошириш юзасидан жойларда амалга оширилаётган тадбирлар, илғор иш тажрибалари, бой маданий-маърифий меросимизни ёритиш борасида қилинаётган ишлар ва режаларга батафсил

— Таълимни қайта қуриш туфайли мактабларда руҳшунос штатлари жорий этилянти. Лекин жойларда мутахассислар етишмайди. Боз устига айрим мактаб раҳбарлари бундай мутахассислардан ўринли фойдаланиш ҳақида жиддий бош қотирмаётирлар. Ваҳоланки, ўқувчиларнинг иқтидорини аниқлашда, уларнинг тўғри касб танлашларида руҳшуносларнинг аҳамияти каттадир. Газета саҳифаларида шу мавзу кенгроқ ёритиб борилса айни муддао бўлур эди, — деди Учқўрғон туман халқ таълими бўлими методисти Ж. Қосимов.

Курс тингловчиларидан Тўрақўрғон туманидаги 40-мактаб директори С. Самибоев, Яккабоғ туманидаги 75-мактаб ўқитувчиси А. Элмирзаев, Андижон вилоятининг Пойтуқ шаҳридаги 1-мактаб ўқитувчиси М. Зиёмуддинова, Пешкў туманидаги 30-мактаб директори З. Отақулов, Хатирчи туманидаги 12-мактаб ўқитувчиси М. Раҳматуллаева, Чиноз туманидаги 49-мактаб директори А. Ғаффоров, Навбаҳор туманидаги 22-мактаб ўқитувчиси И. Раҳмонов ва бошқалар «Маърифат» газетаси фаолияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, севимли нашрларининг ҳар бир сонини орзиқиб кутажакларини айтишди.

Учрашувда таҳририят аъзоларидан Ғ. Маннопов ва А. Аҳмедов ҳам сўзга яқиб, ўзлари бошқараётган бўлимларининг режалари ҳақида ахборот беришди, суҳбатда айтилган фикрлар таҳририятнинг бундан кейинги фаолиятида инобатга олинажагини маълум қилишди.

Марказий институт проректори А. Акромов мулоқотга якун ясаб, газетхонлар ва журналистлар ўртасида анъанага айланган бундай учрашувлар таълим-тарбия ислоҳотини тезлаштиришга самарали таъсир кўрсатади, дея йиғилганлар номидан ишонч билдирди.

ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

тўхталди. Газетанинг республика пойтахти халқ таълимидаги ислоҳотлар ёритилган сони мисолида таҳририят ана шу йўл билан то қишлоқ мактаби ҳаётигача кириб бориш ниятида эканлигини таъкидлади.

— Ижодий жамоамиз нияти «Маърифат»ни нафақат ўқитувчилар, халқ таълими ва олий таълим ходимлари, балки барча зиёлиларнинг минбарига айлантиришдир,— деди нотиқ. — Таҳририят, шунингдек, таълимда миллийлик муаммоларини ёритишга, янги ўқув режалари юзасидан йўл-йўриқларни чоп этишга, олий ва ўрта махсус таълимга оид материалларга алоҳида эътироф беради.

Учрашувда мактаб ўқитувчилари, директорлари, методистлар таълим-тарбия ишини ташкил этишда «Маърифат» газетаси яқин ҳамроҳ, кўмакдош бўлиб келаётганлигини эътироф этиш билан бирга ўз истак ва таклифларини айтишди, дарслик ва қўлланмалар етишмаётганликларини, қишлоқ мактабларидаги илғор иш тажрибаларн етарли ёритилмаётганлигини таъкидлашди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни этиб 27 июнь белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 3 сентябрь.

ТАБИАТ БАЙРАМИ

Олтинкўл тумани мактаблари ўртасида табиат байрами кўрик танлови ўтказилди. Унда 49 та мактабнинг ёш табиатшунослари иштирок этдилар. Улар томонидан ташкил қилинган кўргазмалардан гулчилик, қўлда тайёрланган қушлар макетлари, турли хил паррандалар, манзарали гуллар, тирик балиқлар жой олган. Танлов якунига кўра, биринчи ўринни 42-мактаб, иккинчи ўринни 3-мактаб, учинчи ўринни 49-мактабнинг ёш табиатшунослари эгалладилар. Ғолибларга пул мукофотлари, фахрий ёрлиқлар топширилди.

Ш. КЕЛДИЕВ.

Саҳоват

ҲАМ САЁҲАТ, ҲАМ ЗИЁРАТ

Пул тобора қадрсизланаётган бир паллада меҳр-оқибат ва саховатнинг кўпаяётганлиги кўнгилга таскин беради. Бўз туман ҳокимлиги ва Маннап Жалолов номли жамоа хўжалиги касаба уюшмасининг ўқитувчиларга кўрсатган ғамхўрлиги ҳам шу ишлар сирасига киради.

Маълумки, бу йил улуғ бобокалонимиз Аҳмад Яссавий йили деб эълон қилинган. Ҳар ким ҳам Туркистон шаҳридаги Аҳмад Яссавий мақбарасини бориб кўргиси, зиёрат қилгиси келади. Аммо ҳаммани ҳам иқтисодий шароити бу сафар харажатини кўтаравермайди. Туман халқ таълими бўлими касаба уюшмаси ва ёрдамчи бўлими хўжалик (кооперацияси) ана шуни ҳисобга олган ҳолда 7, 9, 16, 17, 18, 19, 21, 23-мактаблар фаол муаллимларининг муқаддас қадамжога саёҳат ва зиёрат қилишлари учун маблағ ажратишди. 85 ўқитувчи Туркистонинг диққатга сазовор жойларидан бири — Аҳмад Яссавий мақбараси билан яқиндан танишдилар. Улуғ Пир хотираси шарафига Буюк Турон фарзанди Амир Темур қурдирган бу муқаддас ёдгоҳ саёҳатчилар хотирасида унутилмас из қолдирди.

М. РАҲМОН.
Бўз тумани.

Ҳамкорлик шартномаси амалда

«БИЗНИНГ УЙИМИЗ—СИЗНИНГ ВАТАНИНГИЗ»

Ривожланган чет мамлакатлар билан илм-фан соҳасида тажриба алмашиш, дўстлик, ҳамкорлик хусусида Ўзбекистон билан энг тараққий этган чет мамлакатлар ўртасида шартномалар имзоланган. Шу шартномаларга биноан 1800 йигит ва қиз Туркияда, 43 тенгдош Америка Қўшма Штатларида, тил, илм ва маданият ҳамда тажриба ўрганмоқда. Эндиликда талабаларнинг бир гуруҳи Миср Араб Республикасига ўқишга йўл олади. Улар она юрт муҳаббатини, ота-она меҳрини, умумхалқ ишини қалбига туйган.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мажлислар залида ўтказилган йиғилиш шу масалага бағишланди. Йиғилишни вазир Жўра Абдуллаевич Абдуллаев очди ва қисқача нутқ сўзлади. У Тошкент давлат Шарқшунослик институти ва халқаро муносабатлар иқтисод университетидан танлаб олинган 86 ёшни қизғин табриклади ва уларга оқ йўл тилади. Ж. Абдуллаев ўз сўзида Мисрга ўқишга бораётган ёшлар олдида турган муҳим вазифаларга тўхталди. «Миср мамлакати илм-фан, маданият, иқтисодиёт соҳасида жуда катта тажриба тўпланган, ривожланган араб мамлакатларидан бири. Сизлар у ерда пухта билим олиш билан биргаликда ана шу тажрибаларни ўрганиб келиб, Ўзбекистонга тўлиқ жорий этасиз, муқаддас Ватан номини, шон-шуҳратини доимо баланд тутишингизга ишонамиз», — деди вазир.

Йиғилишда Мисрнинг Тошкентдаги элчиси Абдулғани Муҳаммад Абдулғани сўзга чиқди. У Нил бўйига кетаётган толиби илмларни самимий муборакбод этди, уларга келажак ишларида катта умидлар боғлади.

— Бизнинг уйимиз —сизнинг Ватанингиз, — деди у. — Мамлакатимиз фани ва маданиятини чуқур ўрганиб, уни Ўзбекистонга кенг жорий қилишингизга ишонаман.

Йиғилишдан сўнг студентларнинг баъзиларидан қисқача сўз олдим:

Сарвар ОЧИЛОВ. — Шарқшунослик институти 4-курс студенти:

— Менда араб тили ва маданиятига қизиқиш 8-синфда ўқиб юрган пайтларимда бошланган. Бадиий ижод билан ҳам шуғулланаман. Мисрда араб маданияти ва адабиётини чуқур ўрганаман. Араб шоирлари билан танишаман, уларнинг шеърларини ўзбек тилига таржима қилиш ва уни нашр этиш ниятим бор. Она юртимга ёруғ юз билан қайтаман ва унга сидқидилдан хизмат этаман.

Даврон ДУЛБОЕВ — шу институт 5-курс студенти:— Сузишни ўрганиш учун сувга тушиш шарт. Араб тилининг ўзига хос хусусиятларини пухта билиб олиш учун эса шу халқ орасида бўлмоқ, сўзлашмоқ ва маданиятини билмоқ керак. Шу мақсадда Мисрга бормоқдаман.

Ёркин РАҲИМОВ, 5-курс студенти: — Она Ўзбекистонимиз келажакда энг ривожланган мамлакатлар, айниқса, Америка Қўшма Штатларидай тилларга тушсин. Унинг порлоқ камолига мен ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшсам, дейман.

А. АЛИ.

ХАЛҚАРО МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗ

Яқинда республикамизда муҳим бир тарихий воқеа юз берди. Тошкент давлат иқтисодиёти университети қошида халқаро ташкилот, яъни Вена бирлашган институтининг Марказий Осиё ва Жануби-шарқий мамлакатлар давлат хизматчиларининг малакасини ошириш бўйича минтақавий маркази очилди.

Маълумки, Вена (Австрия) бирлашган институти тўқсонинчи йиллар бошида жаҳон банки, халқаро валюта фонди (Вашингтон), Халқаро ҳисоб-китоблар институти (Брюссель), Европа иқтисодий ривожланиш ва реконструкция банки (Лондон) ва Иқтисодий ривожланиш институти (Париж) томонидан ташкил этилди, унинг асосий мақсади илгари СССР таркибида бўлган давлатларга бозор иқтисодиётига ўтишда ҳар томонлама кўмак кўрсатишдан иборат.

Марказнинг очилиш маросимида Жаҳон банки — иқтисодий ривожланиш институтининг бўлим мудири, жаноб Душан Вуевич қатнашди ва кириш нутқи сўзлади. Марказнинг очилишида Жаҳон банкининг Москвадаги вакили Ирина Албегова, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг ректори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси С. Ғуломов, вазирликлардан масъул ходимлар ва профессор-ўқитувчилар иштирок этишди.

Минтақавий Марказ ўнта мамлакатдан келган 43 нафар ёш иқтидорли давлат хизматчиларини «Бозор иқтисодига кириш ва молиявий таҳлил» дастури асосида қайта тайёрлайди. Жумладан, Марказ талабалари орасида Болгария, Монголия, Молдавия, Вьетнам, Лаос, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон жумҳуриятлари вакиллари бор. Улар ҳар хил вазирликлар, айниқса молия, банк, ташқи алоқа, истиқболни белгилаш иқтисодий қўмиталари, Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимларидир.

Малака ошириш дастури жуда тиғиз тузилган ва мазмун жиҳатидан Америкадаги нуфузли университетда магистрлик унвони бериладиган икки йилга мўлжалланган. Дастурда микроиқтисодиёт, асослари, халқаро иқтисодиёт ва савдо, ўтиш даврида барқарорлаштириш программалари тузиш, бухгалтерия ҳисоби ва таҳлили (халқаро андозага тўғри келадиган тизим), компьютердан фойдаланиш, математика ва эконометрия, шунингдек инглиз тили дарслари ўрин олган.

Тингловчилар керакли адабиётлар билан тўла таъминланган. Шунингдек, уларга ўтиладиган фанларнинг маъруза матнлари ҳам бериб борилади.

Юқорида қайд этилган фанларнинг аксарият қисмини университетнинг чет мамлакатларда, жумладан, Туркия ва Америка университетларида малака ошириб қайтган профессор ва ўқитувчилар олиб боради.

Тингловчилар ўқиш давомида бозор иқтисодиёти шароитида компьютерлар ёрдамида кўп вариантли, муқобил иқтисодий ечимлар қабул қилиш тажрибасини ўрганадилар ва инглиз тилида иш юритадиган мутахассис бўлиб етишадилар.

Шу кунларда Жаҳон банкининг иқтисодий ривожлантириш олийгоҳи томонидан тест синовлари ёрдамида 70 киши ичидан танлаб олинган 6 нафар ёш олим — иқтисод фанлари номзодлари, Тошкент Иқтисодиёт университети «иқтисодий кибернетика» кафедрасининг доцентлари Дилоро Абдуллаева, Светлана Иванова, шу кафедра аспиранти Фахриддин Ҳакимов «Эҳтимоллар назарияси» кафедраси катта ўқитувчиси Гулнора Усмонова «микроиқтисодиёт» кафедраси ўқитувчиси Флора Солиҳова ЎзФА математика институти илмий ходими Феруза Абдуллаева Вашингтонга жўнаб кетишяпти. Улар Иқтисодий Ривожлантириш олийгоҳида 2 ой мобайнида тажриба ўрганиб қайтадилар ҳамда Марказимизда маъруза ва семинар машғулотлари олиб борадилар.

Баъзи фанлар юзасидан Америка университетларидан Жаҳон банкининг Иқтисодий ривожланиш институтидан келадиган профессорлар маъруза ўқишади.

Ўқиш охирида тингловчилар инглиз тилида тест синовлари топширадилар, уни муваффақиятли топширган 15—16 тингловчи танлаб олинади, Вена шаҳрида иккинчи босқич дастурини ўтиш учун малака ошириш институтига юборилади. У ерда беш ярим ой давомида инглиз тилида семинар дарслари олиб борилади.

Минтақавий марказ иши мавсумий бўлиб, 1994 йилда ҳам икки марта уч ойдан давлат хизматчиларини қайта тайёрлашни режалаштирилмоқда. Шунингдек иқтисодиёт университетининг ўзаро тузилган битимлари асосида марказда, Швейцария, Малайзия, Англия, Олмония мамлакатлари мутахассислари томонидан дастурлар бўйича семинарлар ўтказиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Турсун ШОДИЕВ,
минтақавий марказ администратори, иқтисод фанлари доктори.

Суратда: Вашингтонга малака оширишга кетаётган ёш олимлар, тест танлови ғолиблари — Светлана Иванова, Фахриддин Ҳакимов, Феруза Абдуллаева ва Гулнора Усмонова.

Ҳ. СОЛИҲОВ олган сурат.

Янгилаш даври, янгиланиш даври

ҲАММАСИ ИҚТИСОДДАН БОШЛАНАДИ

Республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида юз бераётган бир қатор ўзгаришлар, жумладан, жамиятимизда узоқ вақт ҳукм суриб келган режали иқтисодиёт ўрнини бозор иқтисодиёти эгаллаши ва шу муносабат билан республикамиз иқтисодиётининг жаҳон бозорига чиқиши иқтисодиёт фанининг тадқиқот методлари сафидан янги, замонавий электрон-ҳисоблаш техникасининг кенг ўрин олиши ва шунга ўхшаш бошқа қатор сабаблар боис ўқувчиларга махсус чуқурлаштирилган иқтисодий таълим бериш шу куннинг долзарб вазифасига айланди.

Республикамиз халқ таълими олдида турган бу жуда муҳим муаммони ҳал этиш мақсадида, 1992—1993 ўқув йилида Тошкент шаҳрининг А. Икромов туманидаги 306-мактаб-лицей таркибида иқтисодий йўналишдаги синфлар ташкил этилган эди.

Лицей иқтисодиёт синфларида бериладиган таълимнинг асосий мақсади ва вазифаси ҳозирги замон иқтисодиёт фанининг иқтисодий тушунча ва қонуниятларини ўқувчиларга жуда чуқур сингдириш, уларда иқтисодий тафаккур ва маданиятни шакллантириш, фақатгина шакллантирибгина қолмай, иқтисодий фикрлаш ва ихтисос кўникмаларини ҳар томонлама эгаллашни уларнинг кундалик эҳтиёжига айлантиришдан иборатдир. Ностандарт фикрлаш қобилиятига эга бўлган ёшларда турли хилдаги вазиятларда тўғри, илмий асосланган хулосалар чиқара олиш кўникмаларини ҳосил қилиш, бугунги кун бозор иқтисодиёти шароитида истиқбол режалари асосида иш кўра оладиган иқтидорли ёшларни танлаб олиш, уларни махсус дастурлар асосида ўқитиш лицей иқтисодий синфлари таълимининг асосини ташкил этади.

Лицейда иқтисодий таълим асосларини ўрганишнинг иккинчи босқичли тизими ишлаб чиқилган. Биринчи босқич 8—9-синфларни ўз ичига олади. Бу босқичда таълимнинг асосий мақсади ва мазмуни келгусида иқтисодиёт касбини эгаллашда ўқувчилар учун энг зарур бўлган умумтаълим ва фундаментал фан асосларини пухта ўзлаштириш, компьютерлар ва турли хил ҳисоблаш техникаси билан яқиндан танишиш, хорижий тилларни ўрганиш, шунингдек, иқтисодиёт фани асослари бўйича дастлабки тушунча ва кўникмаларни вужудга келтиришдан иборатдир. Иқтисодий таълимга оид маълумотлар бу босқичда деярли барча курслар моҳиятининг дидактик асосини ташкил этади.

Лицей иқтисодий таълими тизимининг бу бўғинида ўқувчилар «Иқтисодиёт асослари», «Статистиканинг умумий назарияси», «Молия назарияси», «Пул, кредит, банк» сингари махсус иқтисодий курсларни тинглаб, дастлабки иқтисодий билимларни эгаллай бошлайдилар, олинган назарий билимларни семинар, баҳс, коллеквиум ва амалиёт типидаги машғулотларда мустаҳкамлаш кўникмаларига эга бўлишади. Биринчи босқич махсус иқтисодий предметлар ўқув дастурларининг асосий мақсадини иқтисодиёт фанини ижтимоий-сиёсий фанлар тизимида тутган ўрнини ўқувчилар томонидан тушуниб етиш, замонавий иқтисодий муаммоларни энг содда усуллар билан тушунтириш орқали ўқувчиларни касбга йўналтириш ва қизиқиш уйғотиш иқтисодий атама ва тушунчалар моҳиятининг тўлик ва ҳар томонлама кенг ўзлаштирилишига эришиш, ўқувчиларда бозор иқтисодиёти, пул, кредит, банк тизими, ишбилармонлик асослари ҳақида эркин назарий ва амалий фикр юрита олиш қобилиятини шакллантириш ташкил этади.

Бу босқичда ўқувчининг иқтисодиёт фанига ўзини бағишловчи, касб танлаш ва унга муҳаббат қўйиш жараёни юз беради, шунингдек, иқтисодий талаблар асосида ўқувчилар ўртасида саралаш жараёни ҳам бўлиб ўтади.

Умумий ўрта таълим тизимидаги юқори (ўрта) мактаб (10 11-синфлар) босқичига мос келувчи лицей иқтисодий таълимининг иккинчи поғонасида умумтаълимнинг таянч ўқув режасида белгилаб қўйилган предметлар сақланиб қолгани, ҳолда, йўналишли ва махсус иқтисодий предметларнинг таълим мазмуни ва ўқитиш усулларида сезиларли ўзгаришлар юз беради. Жумладан, «Иқтисодиёт асослари» курсида ўқувчиларга иқтисодиётдаги амалий муносабатлар соҳасида мунозарали жараёнларни ҳал қилиш йўлларини ўргатиш, амалий муносабатлардаги ихтисосий ахлоқ ва маданият тушунчалари соҳасида етарли билим ва кўникмалар берилади. Маркетинг тушунчасини ўрганиш жараёнида ўқувчилар бозор ҳақида, реклама, сервис, тайёр маҳсулотни сотиш, харидор истак-талабларини ўрганиш бўйича дастлабки тушунчаларга эга бўладилар. Бозор муносабатларини ўрганишда истеъмол турлари, уларнинг таҳлили ва статистикаси билан, бозор муносабатларининг хиллари ва уларни бошқариб турувчи иқтисодий қонуниятлар бозорнинг энг муҳим таркибий қисмлари — банклар, биржалар, фондлар ва ҳ.к. ҳақида тўлиқ билимларга эга бўладилар.

Лицейнинг 9—11-синфлари учун ўқув режасига киритилган «Тижорат географияси» курси республикамиз мактаб географияси таълими учун тамомила янги курсдир. Бу курс бўлғуси иқтисодчиларни республикамизнинг хомашё ва маҳсулот турлари, заҳиралари ва иқтисодий имкониятлари билан, шунингдек, яқин ва олис хорижий мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатишнинг қулай ва ноқулайликлари ҳақида тўлиқ маълумот билан қуроллантиради. Иқтисодий таълим тизимининг махсус иқтисодий курслари учун тузилган ўқув дастурлари, асосан, лицей ўқитувчилари томонидан шахсан тузилган бўлиб, муаллифлик вариантидаги дастурлар ҳисобланади. Иқтисодий лицей шароитида синовдан ўтаётган ушбу дастурларни республикамизнинг бошқа лицей, гимназия ва махсус иқтисослашган мактабларида ҳам қўллаш учун тавсия этиш мумкин.

Лицей иқтисодиёт таълимини юқоридагидек йўналишда ташкил этиш ва амалга ошириш кенг кўламли ва давомий иш. Унинг тўлиқ асосланган тизимини ишлаб чиқиш учун муддатли дастур асосида кўп қирали тадқиқотлар ўтказиш талаб этилади. Бу вазифани лицей ўзининг юксак илмий педагогик потенциалига, шунингдек, иқтисодий ва педагогик йўналишдаги олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот илмгоҳлари, йирик методист олимларга таянган ҳолда ҳал этишга киришди.

А. ҲАСАНОВ,
РУММнинг етакчи мутахассиси.

Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг кучқудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди.

(Ислом КАРИМОВнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласидан).

МАЪНАВИЯТ ГУЛТОЖИ

Маҳмуджон НУРМАТОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор, ТошДД этика ва эстетика кафедрасининг мудири.

Жумҳуриятимизда ҳозирги даврнинг бош вазифаси ва етакчи тамойили миллий мустақилликни мустаҳкамлашдан иборат. Миллий мустақиллик миллий маънавиятни тақозо этади. Миллий маънавиятни эса, ўз навбатида, ахлоқ ва нафосат унсурларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, этика фанининг ахлоқ, одоб, яхшилик, одамийлик, адолат, инсонпарварлик сингари тушунчалари ҳам; эстетика илмининг нафосат, гўзаллик, улуғворлик, олижаноблик, қаҳрамонлик ва фаровонлик каби категориялари ҳам миллий маънавиятнинг мазмунидир.

Шу боисдан биз бутун жумҳуриятимизнинг ҳамма олий билимгоҳлари ва техникумларида ахлоқнома ва нафосатнома ўқитишни йўлга қўйишимиз, уларни янги босқичга кўтаришимиз ва такомиллаштиришимиз, дорилфунунларнинг фалсафа, она тили, адабиёт, санъат, тарих факультетларида шу икки ҳаётий фан соҳасида мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйишни маънавий тараққиётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Шу нуқтан назардан, Ўзбекистон жумҳурияти олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъатининг ўтган йил ноябрь ойида қабул қилган қарори алоҳида эътиборга моликдир. Мазкур қарорда олий билимгоҳларда этика ва эстетика фанларидан дарс соатларини қисқартириш ҳолларига йўл қўймаслик, бу фанларни ўқитув режаларидан чиқариб ташлашларга барҳам бериш, олий билимгоҳлардаги инсоншунослик (гуманитар) кафедраларини бу икки фан соҳасидаги етук мутахассислар билан таъминлаш чораларини амалга ошириш тўғрисида кўрсатмалар берилган.

Бироқ ҳозирда жумҳурият олий мактабларида фалсафа, сиёсий иқтисод ва ижтимоиёт фанлари 90 соатдан то 140 соатгача ўқитилмоқда. Этика ва эстетика фанлари соатлари эса ғоятда қисқартириб ёки бутунлай йўқотилиб, бу соҳада тузилган кафедралар эса бошқа ижтимоий фанларга бирлаштириб юборилмоқда.

Ҳозирги даврда жумҳурият халқ таълими вазирлиги ўрта мактабда ахлоқнома ва нафосатнома фанларини ўқитишни йўлга қўя бошлади. Эндиликда ТошДУнинг фалсафа факультетида этика ва эстетика бўлимини ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Шуниси эътиборлики, 1993 йил 25 — 27 май кунлари Тошкент давлат автомобиль ва йўллар олий билимгоҳида республикада ижтимоий-инсоншунослик фанларини ўқитишни такомиллаштиришга доир жумҳурият конференцияси бўлиб ўтди. Бу анжуманда ҳам этика ва эстетика ўқитишни, ахлоқий тарбия ва эстетик тарбияни яхшиламай туриб, миллий маънавият ва миллий мафкурани ривожлантириш мумкин эмас, деган хулосага келинди.

Тошкент давлат маданият институтида этика ва эстетика фанларини ўқитишга жиддий муносабат қарор топган. Тошкент давлат Шарқшунослик институтида келажакда «Шарқ халқлари этика ва эстетика кафедраси»ни тузиш режаси йўлидан бориб, фалсафа, маданиятшунослик ва ижтимоиёт фанларининг бир қисм дарс соатларини олиб, ахлоқнома ва нафосатнома фанларига бериш кўзда тутилмоқда.

Термиз давлат муаллимлар дорилфунунида ахлоқнома ва нафосатнома фанларининг ҳар бири 36 соатдан ўқитилиб, улардан синов ва имтиҳонлар олинаётир. Фарғона университетининг ҳуқуқшунослик факультетида ахлоқнома ва нафосатнома фанлари 72 соатдан (жами 144 соат) ўқитилмоқда.

ТошДДда ахлоқнома ва нафосатнома ўқитишнинг ҳозирги аҳволи бутун жумҳуриятнинг ҳамма олий билимгоҳларига ибрат бўла оладиган даражада. Чунончи, эстетика университетнинг жамиятшунослик факультетларида 72 соатдан, табиатшунослик факультетларида эса 36 соатдан ўқитилмоқда ва ҳамма факультетларда бу фандан имтиҳон олинмоқда. Этика фани барча факультетларда бирдай, яъни 36 соатлик дарс ҳажмида ўқитилмоқда; бу фандан жамиятшунослик факультетларида имтиҳон, табиатшунослардан эса синов олинмоқда.

Шу ўринда турли баҳс ва мунозараларга сабаб бўлаётган — маданиятшунослик фанининг таркибий томонлари ва илмий муаммоларига бироз тўхталиб ўтиш жоиз. «Санъатшунослик, тасвирий санъат тарихи» ҳамда «Ўзбек ва жаҳон адабиётлари тарихи», айни чоқда «Жаҳон ва ўзбек маданиятлари тарихи», шунингдек, «Маданият назарияси» — ана шу тўрт нисбатан, мустақил бўлган фан соҳалари ягона ва бир бутун фан сифатида, яъни «маданиятшунослик» фани сифатида баён этилмоқда. Ҳолбуки, бу ўринда тўрт мустақил ижтимоий фан тўғрисида фикр юритилмоғи жоиз.

Юқорида баён этилган таҳлил ва мулоҳазалардан келиб чиқиб шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Олий, ўрта махсус таълим вазирлиги тизимлари учун ижтимоий-инсоншунослик фанларини ўқитишни такомиллаштиришга доир махсус муштарак дастур ишлаб чиқилмоғи миллий мустақиллик талабидир. Бу дастур Президент Ислом Каримов рисолаларида маънавият соҳасида олға сурилган ҳаётий ақидаларга таянмоғи лозим.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг олий таълим тизимидаги этика ва эстетика, ахлоқ ва нафосат, оила, ўрта мактаб ва ҳунар-техника ўқув юртларидаги ахлоқий ва эстетик тарбия жараёнининг қонуний ва табиий давоми сифатида рўёбга чиқарилмоғи маънавий юксалишимиз тақозосидир. Хуллас, жумҳурият халқ маорифи тизимларида ёш авлодга одобнома ва ахлоқнома дарсларини ўқитиш, уларга нафосат ва нафосатномани сингдириш, ахлоқий ва эстетик тарбия бир бутун умумий ва узлуксиз жараён сифатида амалга оширилмоғи миллий маънавият тараққийсининг энг муҳим ва бош тамойили бўлиб қолмоғи зарур.

Ўзбекистон олий таълим тизимида «Марксизмнинг уч таркибий қисми»га мансуб бўлган назария асоратидан тезроқ халос бўлиш, этика ва эстетика фанларини бошқа ижтимоий инсоншунослик фанлари қаторида фалсафий илм соҳалари сифатида ўз ўрнига қўйиш зарур. Бу табиийки, республикамиздаги ҳар бир олий билимгоҳда имкониятига қараб, «Ахлоқнома ва нафосатнома кафедраси» ёки «Ахлоқнома, нафосатнома ва фалсафа кафедраси» ташкил этишни тақозо қилади.

Ҳолбуки, этика ва эстетика, фалсафа ва ижтимоиёт, руҳиятшунослик ва сиёсатшунослик, тилшунослик ва адабиётшунослик, санъатшунослик ва маданиятшунослик, тарихшунослик ва матбуотшунослик (журналистика), ҳуқуқшунослик ва муаллимлик илми (педагогика) факультетларида ва шуларга мос тушадиган олий билимгоҳларда ахлоқнома ва нафосатнома фанларини мутахассислик фанлари туркумига киритиш, бу икки фандан имтиҳонлар олиш ҳамда ҳар бир конкрет ихтисосга мувофиқ келадиган махсус курслар ўқитишни жорий этиш шарт. Масалан, санъат фалсафаси ва санъат социологияси, ижод психологияси ва сиёсат этикаси, раҳбарлик одоби ва дипломатия этикаси, тил эстетикаси ва адабиёт эстетикаси, санъат эстетикаси ва маданият эстетикаси, тарихий эстетика ва матбуот эстетикаси, ҳуқуқшунос эстетикаси ва муаллимлик одоби мавзуларида махсус курслар ташкил этиш катта аҳамиятга эга.

Инсоншунослик ва ижтимоий фанлар билан боғлиқ бўлган факультетларда иккинчи мутахассислик сифатида этика ва эстетикадан ҳам ихтисос беришни расман ташкил этиш бутун Ўзбекистон жумҳурияти техникумлари, ўқув юртлари ва мактаблари учун ахлоқнома ва нафосатномадан муаллимлар тайёрлашни жадаллаштиришга имкон беради.

Мустақил республикамизда миллий нафосатнома ва ахлоқноманинг эндиги тараққийси миллий маҳдудлик қобиқларини ёриб чиқиши учун биз умумжаҳон этика ва эстетика фанларини ривожланиш жараёни билан доимо ҳамнафас бўлишимиз шарт. Бунинг учун бир томондан, Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларидаги мутасадди ташкилотлар ва олий билимгоҳлар билан, иккинчи томондан, АҚШ, Англия, Олмония, Франция, Япония, Италия сингари миллий эстетика ва этика жамиятлари мавжуд. Бутун жаҳон эстетика ва этика жамиятлари билан яқиндан дўстона алоқаларда бўлишимиз зарур. Зеро, ўзбек миллий нафосатнома ва ахлоқнома фанлари бутун жаҳон эстетик ва ахлоқий тафаккури ривожининг узвий, мустақил қисмидир.

Президентимиз Ислом Каримов ўз нутқларидан бирида дунёни ҳозирги инқироздан гўзаллик ва эзгулик қутқаради, деб айтди. Дарҳақиқат, гўзаллик эстетиканинг тадқиқот предмети, эзгулик эса эстетикага тегишлидир. Модомики, шундай экан, гўзаллик, нафосат ва эстетика миллий маънавият гултожидир.

БОЛАЖОНЛАР

Гавҳархон Юсупова ёшлигиданоқ болалар боғчасида ишлашни орзу қилганди. Мана, 16 йилдирки, у кичкинтойлар даврасида. У 1977 йилда пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 396-болалар боғчасида тарбиячи сифатида иш бошлади. Кўп ўтмай шу тумандаги 468-болалар боғчасига методист бўлиб ишга ўтди.

Тўққиз йилдирки, у бу ерда тарбиячилар жамоасига бошчилик қилиб келмоқда.

Болалар боғчаси «Орзу» деб аталади. Боғчанинг кичкинтойлар дастаси туманда бўладиган кўплаб тадбирларда фаол иштирок этиб келаётир.

— Халқ таълимини қайта қуриш юзасидан амалга оширилаётган ишлар биздан катта билим ва қатъиятни талаб этади, — дейди Гавҳархон Юсупова. — Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунида таъкидланганидек, мактабгача таълимнинг вазифаси бола камолоти асосларини шакллантиришдан, унинг билимга қизиқишини, маданий-ахлоқий эҳтиёжларини, дастлабки меҳнат кўникмаларини, илмга муҳаббат қўйишини ўстиришдан, саломатлигини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Мазкур болалар боғчасида ўз ишининг жонкуярлари бўлган тарбиячилар кўп. Улар кичкинтойларни замон талаблари асосида камол топтиришга ҳаракат қилишмоқда. Янги ўқув йилидан бошлаб боғчада кичкинтойларга инглиз тилини ўқитиш йўлга қўйилди.

Меҳрибон ва саховатли тарбиячилар меҳнат қилаётган болалар боғчаси «Илғор» жамоасидан, Шоислом Шоюсупов, Ҳувайдо маҳаллаларида истиқомат қилувчи ота-оналар беҳад мамнун.

СУРАТЛАРДА: 1. Боғча мудираси Гавҳархон Юсупова методист ва тарбиячилар билан; 2. Тарбиячи Мукаррамхон Мухсимова кичкинтойларга эртак ўқиб бермоқда.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган суратлар.

Ижодкор ўқитувчиларнинг республика II адабий анжуманидан

«ГЎЗАЛЛИК ЯРАТАМАН ДЕСАНГ...»

Гулистонда бўлган республика ўқитувчилар ва тарбиячиларининг II-адабий анжуманига ўтган йилдагидек яна адабиёт ўқитувчиларининг энг саралари йиғилдилар. Улар болаларга дарс бериш баробарида ўзлари ёзган машқларини ўртоқлашишга, чоп эттиришга, элга танитишга улгурган ҳам эдилар. Адабиётимиз куюнчаклари бўлган шундай ўқитувчилар кўп бўлса, нафосатга қалби йўғрилиб, улғаяётган ўқувчилар ҳам бисёр бўлади.

Мактабнинг вазифаси тарбия бериш экан, тарбиячиларимизнинг ижодкорлигини, интилиш ва изланишларини рағбатлантириб туришимиз керак. Ўтган йилги анжуман сабаб, унинг иштирокчилари халқ маорифи аълочиси нишонини олишди, айримларининг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига ўтказилиши ҳам шундан далолатдир.

Нотиқлик санъатини, биров билан гўзал мулоқотга киришиш одобини ўқувчи энг аввало ўз ўқитувчисидан ўрганади: «Армонни қучоқлаб ётган чоғимда, ҳотиранинг тикони ботди...», деб шеър ёзган навойилик Муҳаббат Бобомуродова, «Юлдузларнинг кўз ёшлари ерга тушди»... деб майингина ўз истиробларига тингловчини ҳам шерик қила олган фарғоналик Зуҳра Алиевалар ўз ўқувчиларига гўзалликдан қувониш ҳиссини, нафосат туйғусини сингдира оладилар. Улар очиқ дераза, шунчаки очиқ дераза, — деб ўқувчиларга тушунтирмайдилар, балки оламга очилган дераза, ёки уйга олам кираяпти, — деб тушунтира биладилар. Шунингдек, қоғоз гулга булбул қўнмаслигини ҳам дилдан ҳис қиладиган фарғоналик Эргашали Абдуллаев, ҳоразмлик Оллоберган Исмоиловнинг номлари ҳам аллақачоқ ўқувчиларга таниш. Улар ҳам анжуманда иштирок этиб, ўз асарлари билан касбдошларини таништирар эканлар, мен яна бир ҳақиқатни туйдим: Анжуманга турли шаҳар ва қишлоқларнинг нафаси, қувончи ва ўзига хос ташвишлари ҳам ташриф буюрибди. Умрнинг ўткинчилиги, замоннинг эмас, одамнинг ўзгарувчанлиги ижодкорларнинг қаламида, ижодкор ўқитувчиларнинг ўзига хос назарида экан! Зеро ерга аслида улар ўз ижодларига баҳо олиш учун эмас, балки ижодий ҳисобот учун ҳам йиғилдилар. Чинозлик Анора Пардабоева таъкидлагандек, ўқувчиларни адаб илмига қанчалик жалб қила билганларини намойиш қилиш учун, китобга меҳрини қўйдириб, ақл чироғига айлантира билганларини исботлаш учун ҳам жамландилар. «Ўтган йилги анжуманда иштирок этганимдан бери йил бўйи ҳаяжонлар, қувончларга ҳамроҳ бўлиб яшадим, — дейди Анорахон. Анжуман сабаб, мактабимизда адабиёт тўгарагини ташкил этдим. Ёш адабиётчилар билан мулоқотга киришдим, уларни баҳсга, мунозарага ўргатдим. Шогирдларим қаторида ўз ўғлим билан ҳам фахрланиш туйғусини туйдим. Чунки ўғлим бу йил Президентимиз Ислом Каримовнинг совғаси — номи ёзилган кўл соати билан тақдирланди. Ўқитувчининг энг аввало, ўз фарзандига бераётган билими, уни ҳар жиҳатдан мукаммал инсон қилиб тарбиялаётгани билан ҳам ким эканлиги намоён бўлади»...

Гулистон шаҳридаги 12-мактабда бўлган йиғилишда Халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Мирмуҳсин ва Ўткир Ҳошимовлар таълим мазмунини қайта қуриш ва маънавий бойликни устун қўйишда ижодкор ўқитувчиларнинг хизмати катталигини таъкидлашди. Шунингдек, анжуманда Сирдарё вилояти ҳокими Ботир Маҳмудов, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Баҳор Холбекова ва ўқитувчи Мирза Қайнар, шунингдек, Нафис санъати мактаби ўқувчиси Дилфуза Шодиёровалар ҳам сўзга чиқиб, бундай анжуман иқтидорли ўқитувчилар сафи кенгайишига хизмат қилажагини айтишди.

Шеър — кайфиятнинг фарзанди. Анжуман қатнашчилари Инобат Ёндошева, Ойдин Суюндиқова, Нигора Зиёдовалар ўз чиқишлари билан адабиётга қанчалик ҳамроҳу ҳамдард эканликларини маълум маънода баён қилдилар. Тўғри, бир шеър ўқиш билан бутун бир ижодга баҳо бериб бўлмайди. Менимча, анжуман иштирокчилари ҳам бундай баҳони кутмадилар. Аммо ҳамкасбларининг ижоди, иқтидорига қалбдан баҳо берар эканлар, ўзларини ҳам таниб олдилар.

Шеър оҳангида, сўзида, ўзида ҳикмат бор, жозиба бор. Қачонлардир ёзилгаи шеър қайта ўқилганда яна ўша кайфиятни уйғотса, кайфиятини ўзгаларга ҳам юқтирса — ҳикмати шундадир. Тўғри, шеъриятнинг темир қонунияти йўқ. Ундай ёз, бундай ёз деб ҳам ўргатмайдилар. Қалб ва туйғунинг бир нуқтага жо бўлишидан туғилади, шеърият. Юрак қони, ҳарорати билан омухта бўлади. Буни адабиёт ўқитувчилари яхши биладилар. Шунинг учун ҳам бизга яхши ўқитувчиларни беринг, сизга шоирларни етказиб берамиз, деган қайсидир донишманднинг гапига юз фоиз қўшиладилар-да, ўз шогирдларини тўкис-тугал инсон бўлиши учун ҳисса қўшишга ҳаракат қиладилар.

Ҳар бир сўзни қанчалар таъсирли қилиб айта билмоқда ҳам ижодкорлик бор. Бунинг учун идрок элагида эланган китобларга ҳамроҳ тутиниш керак. Касбдошлар Гулистон шаҳридаги 12-мактаб жамоаси билан яқиндан танишганларида ҳам, А. Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйиб, 9-мактабнинг А. Навоий номли адабиёт музейида бўлганларида ҳам фан ҳазинасининг сандиқлари бўлмиш китобларга, китобхонликка алоҳида урбу бердилар. Аслида китобни шамол ҳам варақлаши мумкин. Гап — уни ўқий билишда, китоблар ёққан чироқнинг нурларидан ўзгаларни ҳам баҳраманд қила олишда!

Мактаб кутубхонаси ҳақиқатан ҳам бой эди. Ўз тили ва характери билан одамлардек хилма-хил бўлган бу китоблар адабиёт ўқитувчиларининг кўзларини шуъалантирди. Ўз мактаблари, ўз кутубхоналари ҳақида ўйлашга, уни бойитиш йўлларини излашга даъват этди. Китобдан узоқ яшаган одам маънавий қашшоқ бўлади. Шундай экан, ўқувчиларни ҳам китобхонликка чорлаш, уларни китоб ўқишга ўргатиш ўқитувчилар зиммасидаги масъулиятли юкдир.

Анжуманда иштирок этарканман, кўнглимда «гўзаллик яратаман десанг, меҳнат қил, меҳнатсиз на даҳолар, на истеъдодлар туғилади»... деган фикр эди. Ҳақиқатан ҳам, ҳамиша меҳнатга ҳамроҳ ўқитувчилар ўз истеъдодларқ ва ижодларини бир-бирларига намойиш қилар эдилар. Тўғри, бизга етмиш йил давомида ўргатиб келишганидек, баҳориб эмас, балки қўлни кўкракка қўйиб, астагина шивирлаб айтиладиган шеърлар ҳам, бор-йўғи ҳаяжондан иборат насрий асарлар ҳам ўқилди. Аммо, қалбларнинг чуқур еридан чиққан сўзларгина қалбларнинг чуқур жойига бориб ўрнашди. Асосийси, фарғоналик Эргашали Абдуллаев «Ҳазонлардан ажратиб олгил мени» деб ёзганидек, сара сатрлар, гўзал жумлалар ёдда қолди.. Мураббийларни ижодкорликка рағбатлантириш, ўз устида ишлашга ундаш — анжуманнинг асосий мақсади амалга ошди.

Сўз ўқитувчи учун ўз фикрини ифодалашга хизмат қилибгина қолмай, балки шу фикрлар орқали бола тафаккурини уйғотишга, онгини шакллантиришга, кўз олдида гўзал дунёларни очишга ҳам ҳисса қўшади. Анжуманда сўз қудрати, тил саботи рўйирост намоён бўлди. Ўқитувчи нафақат ўз вазифасини касб-ҳунар деб тушунмоғи керак, балки ўз санъаткорлиги билан шогирдларини ўзига ром этиши, уларни эзгуликка, гўзалликка йўналтириши шарт. Анжуман сабаб, ўқитувчиларнинг ижодкорлиги, китобхонлиги ва одампарварлиги ривожланишига ҳисса қўшилган бўлса, не ажаб!

Жўра ИЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон халқ таълими вазири

— Ватан камолини унинг қобил ва оқил фарзандлари белгилайди. Шунинг учун ҳам биз сўнгги пайтларда иқтидорли болаларни аниқлаш, тарбиялаш ишларига жиддий эътибор беряпмиз.

Иқтидорли болаларни аниқлаш жонкуяр, билимдон, бир сўз билан айтганда ижодкор ўқитувчиларни аниқлаш демакдир. Бадиий ижод билан шуғулланаётган муаллимларимиз ана шундай эътиборга лойиқ ҳамкасбларимиздир. Муаллим ижодкорлиги ажиб бир фазилат. Бадиий ижод кўнгил малоҳатлигидан шаҳодат. Бундай инсонлар болажон, меҳри дарё бўлишади. Шунинг учун ҳам биз қаламкаш ўқитувчиларимизнинг ижодга рағбатини доимо қўллаб-қувватлаймиз. Анжуманимизда таниқли шоир ва ёзувчилар иштирок этаётганлиги нур устига аъло нур.

Мен бир нарсани алоҳида таъкидлашни истар эдимки, ижодкорлик фақат бадиий асарлар ёзиш эмас, ҳаётдаги муҳим янгиликларни нозик илғай олиш ҳамдир. Адашмасам, шоирлик ўзи шундай — бошқалар ҳали сезмаган, илғамаган нарсаларни ҳис этишдир. Мустақил Ўзбекистон таълимида, ўқитувчиларимиз руҳиятида ана шундай янгиликлар бир қанча. Истардимки, қаламкаш ҳамкасбларимиз ана шундай ижодий янгиликлар тарғиботчиси бўлишса. Публицистик асарлари билан ҳам кўпроқ қатнашишса.

Кўпчилик ўқитувчиларимиз қишлоқда яшашади. Қишлоқ мактаби муаммоларини улардан яхшироқ биладиган йўқ. Қани энди, ана шу муаммолар, қишлоқ муаллимининг ўй-ташвишлари «Маърифат» саҳифаларига улар қалами орқали кўпроқ чиқса.

Биз бугун дарсларимизнинг бош қаҳрамони ўқувчи бўлсин, у ўзининг бутун ички имкониятларини эркин намоён қилсин, деяпмиз. Бу фақат ижодкор ўқитувчининг қўлидан келади. Биз қаламкашлар ана шундай муаллимларимизни олиб чиқишимиз керак.

Яна бир гап. Ижодкорлик барча фан соҳаларига хос бўлган айрича хислат. Биз кейинги анжуманларимизни ижодкор ўқитувчилар анжуманига айлантирамиз. Токи физик ижодкор, химик ижодкор билан фикрлашсин, қаламкаш муаллимларимиз эса ўз қаҳрамонлари билан яқиндан танишсин!

Жамол КАМОЛ,
Ўзбекистон халқ шоири

— Расул Гамзатов «она тилим эртага ўладиган бўлса, мен бугун ўлай», — деган эканлар. Анжуманга йиғилган ўқитувчию тарбиячилар ижодида ҳам бироз бўлсада, шундайин руҳнинг борлиги мени қувонтирди.

Ижод — мафкура. Мафкуранинг менимча, суянчи, — қадриятларимиз, ибн Сино, Навоий, Беруний-ларга ғурур билан тўлган юракларимиз, яратган эгамга шукроналигимиз! Иккинчидан эса Ватанга садоқат, миллатга, инсонга эҳтиром туйғусидир. Одам эканлигингдан, зоти шариф инсон бўлиб туғилганингдан суюнмоқ ва ўз инсоний фазилатларингни мукаммаллаштирмоқдир. Сара китобларни ҳамиша қувватлаб, қўлдан қўймай ўқиб, қадрлаб келганмиз. Сиз — муаллим ижодкорлардан ҳам сара китобларимизга жо бўладиган асарлар кутамиз. Бунинг учун санъатга зўр беринг, ён-верингиздагиларнинг аҳволига, ҳолатига, хатти-ҳаракатларига эътиборни кучайтиринг-у, асарларингизга самимиятни олиб киринг.

Турсунбой АДАШБОЕВ,
Болалар адабиёти шўъбаси бошлиғи

— Болалар адабиёти шўъбаси иши таҳлилга, муҳокама ва мунозарага бой бўлиб ўтди. Ижодкорларимизнинг асарлари ўқимишлилиги, ҳаётийлиги билан диққатимни тортди. Анжуман боис, мен 20 йилдан бери фақат хат орқали суҳбатлашиб юрган чироқчилик Қўчқор Бекмуродов деган дўстимни топдим. Унинг асарларини кўп ўқигандим. Унинг илк китобига ҳам муҳаррирлик қилгандим. Энди эса у билан юзма-юз туриб, ижод ҳақида, анжуман ҳақида, давлатимиз келажаги — бугунги элчиларимиз — болаларнинг қай даражада камол топиши тўғрисида суҳбатлашдим.

Муҳаммад САЛОМ,
Мақоланавислик шўъбаси бошлиғи

Анжуман машғулотларида ўнга яқин қўлёзмани кўриб чиқдим. Бадиий мақоланавислик ўқитувчиларимиз орасида ўзига хос ўринни эгаллай бошлаганига гувоҳ бўлдим. Тоҳир Усмонов, Чоршам Бойсўсинов, Тўлебой Қидирбоевларнинг номи аллақачоноқ ўқувчиларга таниш эди. Уларнинг ўқитувчи-ижодкор сифатида анжуманда иштирок этиши ижодларига яна бир қизиқиш билан қарашимга имкон туғдирди. Чунки улар бевосита мактаб ҳаёти билан боғлиқ ҳолда ўз қаҳрамонларини яратадилар ва ўқувчига танитадилар.

Тўлабой Қидирбоевнинг қозоқ, қорақалпоқ тилларидан қилаётган таржималари эса кўзларни қувонтиради. Оға-иничилик, дўсту биродарлик, анжуман сабаб, яна-да бирикишига, янада қадру қимматини топишига ишонаман.

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Инсон маънавиятсиз яшай олмайди. Маънавий аҳвол эса моддий аҳволга боғлиқдир. Ҳозирги шароитда бу ни янада чуқур ҳис қилаяпмиз. Лекин қандай бўлмасин, маънавиятни сақлаш керак. Болаларда ифтихор туйғусини улғайтириш учун ҳам, уларда «ўзбекман» деган ғурурни ривожлантириш учун ҳам маънавият керак. Аммо маънавиятимизни кенг қамраб оладиган бугунги адабиёт билан одобиётни омухталаштириб, ўзида мужассам қиладиган отахон «Шарқ юлдузи» журналимизни ҳамма ўқитувчи ўқийди, — деб айта олмайман. Буни муштарийларимиз сони камайиб кетаётганидан ҳам билса бўлади... Мен журналимиз муштарийлари сони баҳона, ўқитувчиларимизнинг ҳаммаси ҳам маънан бой ва баркамол дея олмайман. Шунинг учун сизларга, ўқишликни, ўқиганларни уқишликни ва шогирдларингизга ҳам ўз фазилатларингизни ўргата билишликни илтимос қиламан.

Муҳтарама УЛУҒОВА,
шоира

Мен анжуманнинг аҳамиятини энди ҳис қилдим: дурдона фикрларни, гўзал сўзларни эшитиш учун ҳам бу ерга келганингиздан ачинмаслик керак. Чунки сизлар вилоятларда юрасизлар, ишончим комил, анжуман руҳи, унинг кайфияти сизнинг ижодингизга, ҳаётингизга кириб боради. Мен ҳам ўқитувчи бўлганман. Ўша вақтларда Тошкентга ўз шеърларимни жўнатиб жавоб ололмагач, кечқурунги поезд билан Марғилондан пойтахтга етиб келардим ва.. барибир редакцияларга киролмай, бино атрофида айланиб хаёлга толиб, ҳайратланиб, қайтиб кетардим. Ҳайратимнинг бош сабаби, мен учратиб қолган бирор ижодкор, машҳур ёзувчи ёки шоир бўларди. Ана шу ҳайратлар сабаб, шеър ёзардим. Янги изланишлар, интилишлар, билан машғул бўлардим. Ишончим комил. сизни ҳам бу ердаги суҳбатлар, танишув ва учрашувлар илҳомлантирди.

* * *

Республика ижодкор ўқитувчилари ва тарбиячиларнинг II адабий анжумани ўз ишини тугатди. Қатор шеърлар тингланди, қўлёзмалар ўқилди. Уларнинг ижодкорларига қайсидир маънода баҳолар қўйилди. Бу баҳо — ўқитувчининг қай даражада шоир ёки ёзувчи бўла бошлаганига эмас, балки ўз касбига иқтидор билан, ижодкорлик билан ёндашишига қўйилган баҳо эди.

Муомалани билган дилни асир этади, яхши ният муродига етади. Анжуманда муомалани билганлар, нутқи билан дилни асир эта оладиган мураббийлар иштирок этишди. Уларнинг бу хислатига хислат қўшилиб, фазилатга айланиб бориши шубҳасиздир. Яхшилик қасрига ғишт қўя бошлаган Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ва республика Ёзувчилар уюшмаси гўзаллик яратаман деб меҳнат қилаётганларга имконият яратиб, бундай анжуманлар ўтказилишининг нафис арқоқларини эшдилар, — деб баралла айтиш мумкин.

У. АБДУАЗИМОВА.

Ортиқбой ХУДОИБЕРДИЕВ олган суратлар.

Қадриятларимиз

ДУЛДУЛ МИНГАН ЙИГИТЛАР

Йигитлар юртимиз фахри, ғурури, посбонлари, оила султонлари ва сарбонларидир. Шундай экан ота-боболаримиз анъаналарига амал қилиб, ўғилларимизни жуда ёшликдан ватанпарвар ва инсонпарвар, довюрак, шижоатли, ҳар ишга қодир, ўқувли ва миллий ғурурли қилиб тарбиялашимиз керак. Педагог-олим сифатида бу ҳақда кўп ўйлайман, муаллимлар билан баҳслашаман ҳам. Яқинда «Маърифат» рўзномасида педагог Мўмин Қаюмнинг «Отдир йигитнинг йўлдоши» мақоласини ўқиб беҳад мамнун бўлдим. Мақола беихтиёр менга ўзимнинг ёшлик йилларимни эслатди. У вақтларда ҳамма хонадонларда от боқиларди. Ота-боболаримиз от бор хонадон бадавлат, файзли, тўқ бўлади деб, насиҳат қилиб, кўп ибратли ривоятлар айтиб берардилар. Ҳатто айрим хонадонлар дарвозаси остонасига яхши ният билан от тақаси михлаб қўйиларди.

Алимбува қишлоғида кўпкар чопадиган жасур йигитлар бўларди. Улар байрам, тўй-томошаларда ўзлари парвариш қилган отларида зукколик ва жасоратларини намойиш қилишарди. Биз қизлар эса уларни ифтихор билан кузатиб, маҳоратларига қойил қолиб, ҳатто улардан энг сардорларига зимдан меҳр қўйиб қолганимизни ҳамон эслайман.

Қишлоқда қадимдан қолган яхши анъана бор эди. Оилада ўғил бола туғилса буви, бувалари яхши ният билан унга атаб той боқишарди. Суннат тўйларида тойни сарполар билан безаб, неваралларига совға қилишарди. Болани унга миндириб, кексалар «шу тойча сенга бахт-саодат, омад келтирсин, бўтам!»,— деб дуо қилишарди. Бола ҳам шу кундан бошлаб ўз тойчасига меҳр қўярди, ўзининг дўсти деб биларди ва парваришларди. Назаримда унда инсонпарварлик, табиатни ва унинг жонзотларини севиш, ардоқлаш, эзозлаш туйғулари айни шу пайтдан шаклланиб борарди. Бу тарбия воситаси той, яъни бўлғуси от эди.

Эртакларни ўқиганимизда маликаларнинг муҳаббатини қозонган чавандозлар хоҳ шоҳ, хоҳ гадо бўлсин ўз отларида малика қўйган шартларни бажариб, муроди мақсадларига етардилар. От ҳар қандай мушкул онларда инсонга ёрдам беради. «От вафо рамзи», деб айтишларининг маъноси ҳам шу бўлса керак.

Ёшлик йилларим гўзал Алимбува қишлоғида ўтган, дедим. Ҳа, бу қишлоқни ҳам бир довюрак Алим исмли машҳур чавандоз йигит бош бўлиб боғ-роғларга, экинзорларга айлантирган экан. Ўз атрофига ўзига ўхшаш йигитларни тўплаб, кўпкари чопар экан. Қишлоқ ана шу табаррук инсон номи билан аталиб, эндиликда тобора обод бўлмоқда.

Қишлоқда халқимизнинг бой анъана, урф-одатлари тўла сақланган десак бўлади. Ҳозирги кунда ҳам кўп хонадонларда от боқилади. Бу жойда чавандозлик санъатини эгаллаган йигитлар ҳам кўп. Мисол тариқасида ўз қариндошим оиласини келтиришим мумкин.

Синглим Насибахон, куёвим Ҳамидуллаларнинг беш ўғилу бир қизи бор. Ҳамидуллажон ўғилларини ёшликдан чавандозликка ўргатди, чунки унинг ўзи ҳам таниқли чавандоз бўлиб, қишлоқдагина эмас, балки жумҳуриятда тилга тушган йигит. Болалар дастлаб йиқилиб, сурилдилар, лекин ҳозир чиниқиб, бешала ўғлон ҳам моҳир чавандоз бўлиб етишди. Ёш чавандозлар ҳар бирининг ўз оти бор. Уларга ажойиб номлар ҳам қўйишган. Меҳр-муҳаббат билан парваришланаётган отлар йигитларни кўпкари чопишда уялтириб қўймайди. Улар ҳатто «ман-ман» деган чавандоз амакиларни ҳам доғда қолдириб, кўпинча совринли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлишади. Пишқириб, кўкка сапчийдиган бу отларни кўрганлар ҳавас қилиб, бир отни бир «ГАЗ-24» машинага алмаштиришни илтимос қилишганда, Ҳамидуллажон:

— Худога шукр, машинамиз ҳам бор, лекин ўғилларимга машинадан кўра ўз дулдуллари афзал,— деб жавоб қилибдилар.

Мана, йиллар ўтиб, жиянларим Фатҳуллажон, Лутфулла, Шукрулло, Шавкатжон, Жасурбеклар бирин-кетин куёвлик либосларини кийишди. Уларнинг ўз севган отларини ясатиб, куёв жўралар билан тўйга айтишгани кетаётганларида, халқимизнинг нақадар ажойиб урф-одатлари борлигидан фахрланиб, куёвлар ортидан суқланиб қараб қолдим. Бу олижаноб анъаналарни, албатта, авлоддан-авлодга етказиш зарурлигини қалбдан ҳис қилдим.

Ҳа, от минган кишиларни кўрганимда туғилган қишлоғим, ёшлигимни қўмсайман. Шунда беихтиёр бобомнинг «Той ўстириб, от минган ўғлон довюрак бўлади, эл кўради, юрт севади», деган сўзлари ёдимга келади. Чиндан ҳам яхши наслдор отлар йигитлар йўлдошигина эмас, эл фахри, юрт бойлиги, қадрияти. Шунинг учун ҳам биз ўтган йил ишлаб чиққан бошланғич мактаб йўриқномасида ўғил ва қиз болалар мактабларини алоҳида бўлишини, ўғил болалар учун махсус дастурлар ишлаб чиқиб, уларда болаларни чиниқтириб, ёшликдан отда чопишини, қиличбозликни билишни, милий курашга тушишни, камонда отишни, мерганликни, дорда юришни, хуллас йўқолиб бораётган барча яхши миллий анъаналарни тиклашга аҳамият қилдик. Бундан кўзда тутилган мақсад аниқ, у ҳам бўлса ўзбек халқининг ботир ўғлонлари — Амур Темур, Алпомиш, Фарҳоду Кунтуғмишларнинг янги авлоди ўсиб, камол топсин!

Қумри АБДУЛЛАЕВА.

• Маорифимиз жонкуярлари

МЕҲР ЁҒДУСИ

Сарлавҳани ёздим-у, мақолада кўтарилиши лозим бўлган мавзуларнинг қай биридан сўз бошласам экан деб ўйланиб қолдим. Чунки юқорида қайд қилинган ҳар бир тушунчани тўлиқ ўзида мужассамлаштирган инсон, етук педагог, мураббия, меҳрибон онахон Саодат опа ҳақида мухтасар сўз юритмоқчимиз.

Саодат Жуманиёзова ёш табиатшунослар станцияси жамоасига раҳбарлик қиладилар. Раҳбарлик ҳам турлича бўлар экан — Саодат опа ходимларининг ташаббусларини кўриб чиқишга, уни рўёбга оширишга ёрдамчи, маслаҳатгўй бўлиб, барча ишда ҳамкорлик асосий мезон деб билади. Турли йўналишдаги 8 та тўгаракда ўқувчилар табиатнинг сирлари билан танишиб, уни муҳофаза қилиш йўлларини ўрганадилар, ўзлаштирган билим ва малакаларини амалий қўллайдилар. Ахир кичик тажриба майдончаларида ўрганган билимлар, албатта, бизни ўраб турган гўзал табиатга, кўча ва маҳаллаларимизга кўчирилади.

Дарвозадан кирар экансиз, биринчи қаердан бошлаб томоша қилишни билмай қоласиз. Бу ерда саҳоватли юртимизнинг барча меваларию дарахтлари, гуллар турлари барқ уриб ўсаяпти. Шаҳар, баъзан вилоят ўқувчилари ҳам шу ерга келиб, табиатшунослик дарсларини ўтиб кетишади. Табиатшунослар станцияси бу жиҳатдан, ҳақиқатдан ҳам дарсхона сифатида хизмат қилади. Бу ҳам Саодат опанинг, ҳам шогирдларининг ютуғидир. Имонимиз комилки, булар қўлида тарбия ва таълим олган болалар қайси касбни танлашидан қатъи назар Она табиатни севиб ардоқлайдилар, қаерда бўлишларига қарамасдан гулзор ва боғ яратадилар.

Ёш табиатшунослар марказининг иш тажрибаси вилоят миқёсида умумлаштирилди, жорий қилинди. Саодат опанинг меҳнатлари «Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи аълочиси» нишони билан тақдирланди.

Мамлакатимиз иқтисодий янгиланиш даврида Саодат опа ҳам ўқувчиларга меҳнат ҳосилини олиш йўлларини ўргатмоқчи. Унинг режалари катта. Ёш табиатшунослар марказида янги бино қурилиши бошланибди. Опа бу ерда Хива, шаҳар халқ таълими бўлимининг бевосита ёрдами билан ўқувчиларнинг билимларини янада мустаҳкамлаш, боғу роғни кўпайтириш мақсадида теплица ташкил этиш, инкубатор ўрнатишни ҳам ўйлаб қўйганлар. Иқтисодий билимларни ўқувчиларга чуқурроқ сингдириш мақсадида тўгарак ташкил этиш умиди ҳам бор.

Опанинг мақсади Ёш табиатшунослар масканида ўқувчилар меҳнати билан етиштирилган, олинган маҳсулотларни марказ қошида савдо дўкони ташкил этиб, уни халққа сотиб, марказнинг мустақил пул ҳисоботини очмоқчилар. Мақсад марказнинг моддий базасини янада бойитиб, ўқувчиларга чуқурроқ билим бериш. Шундай бўлиши керак ҳам. Чунки ёш мустақил давлатимизнинг тутган сиёсати — Она табиатни ардоқлаш, бойликларини янада орттириш, улардан унумли фойдаланишни ўргатишга қаратилган.

Саодат опа яқинда 55 ёшга тўладилар. Имкониятдан фойдаланиб, опахонимизни таваллуд топган кунлари билан чин кўнгилдан муборакбод этамиз.

С. И. ИБРАГИМОВ,
Хива шаҳри.

ҲУНАР —ЗАР

Компьютерчи, электрон аппаратчи, электрчи, дурадгор, маъдан ва пластмасса материалларга қайта ишлов бериш конструкторлик касбларини эгаллаш иштиёқида юрган ёшларга Ҳамза туманида очилган ўзбек-турк техник лицей ажойиб совға бўлди. Янги ўқув йилидан иш бошлаган лицейга 9-синфни аъло ва яхши баҳоларга битирган Тошкент шаҳрида яшовчи ўғил болалар қабул қилинади. Дарслар ўзбек, турк, инглиз тилларида олиб борилади. Лицейни битирган ўқувчилар мутахассислиги бўйича ишлаши ёки техник университетларда ўқишни давом эттиришлари ҳам мумкин. Ўқувчилар тўрт йил мобайнида инженер мутахассислигига яқин даражада касб эгаси бўлиб чиқишади. Улар жаҳон миқёсидаги фан-техника ютуқларини бевосита амалиётга татбиқ эта оладиган бўлишади. Лицейни муваффақиятли тугатган ёшларга чет элларда ўқиш ва ишлаш ҳуқуқи берилади. Ўқув дастурларига дин тарихи, одобнома дарслари билан бир қаторда миллий қадриятлар ҳақидаги факультатив соатларнинг киритилгани ҳам айни муддаодир. Зеро, миллий ғурур, ифтихори кучли бўлган одамгина Ватанни севади, унинг истиқболи учун ҳалол меҳнат қила олади.

З. КАРИМОВА.



Толиб ИЎЛДОШ
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.

БИР ҚИСМ ТУПРОҒИНГ БЎЛАЙ, БАҒРИНГДА

Ватаним, севаман бир фарзандингдай,
Севаман, жон-таним, қалбимдан шунча.
Бир қисм тупроғинг бўлай, бағрингда,
Қуруқ нур «йилт» этиб кўкда сўнгунча.

* * *

Карвон ўтар дерлар, карвонки, замон,
Замондан ажралиб қолмаклик ёмон.
Жадалла, қадрдон, сен ундан қолма,
Қаторда ўлсанг ҳам танҳо йўқолма.

* * *

Ҳаётга келдингми, вақти бемаҳал,
Яхшидан ёмонга йўйма отингни.
Замон фарзанди бўл, содиқлик билан,
Сен унга тўғрилаб ол соатингни!

* * *

Очлигу тўқлигинг ўзингга боғлиқ,
Ўзинг тергувчисан ризқу-рўзингни.
Осмондан ташлар деб қараб ўтирсанг,
Қарғалар ўйишиб кетар кўзингни...

* * *

Оёқ қимирласа киши одимлар,
Оғиз қимирлаш-ла, зарра жилмайсан.
Оғзингга ишонсанг эл-юрт олдида,
Оёқдан қолганинг ўзинг билмайсан.

* * *

Белингга ишонма, филча бўлсанг ҳам,
Элингга ишон сен, эл суягувчинг.
Элдан айри тушсанг — адо бўлганинг,
Ўзингни тутмакка етмайди кучинг...

* * *

Қадрингни ўлчарга тороз ўзингсан,
Бўйлашарга бўйи дароз ўзингсан.
Қўлингдан туширма лангар чўпингни,
Жаҳон бозорида дорбоз ўзингсан...

* * *

Кеча қоронғусин кўрмай тонг бўлмас,
Тонгни кеча туғар, ўзи яралмас.
Кеча қорасидан нур олмаган кўз,
Тонг қизин юзига тўйиб қаролмас.

* * *

Рисқини тергувчи, сочгувчи ҳам биз,
Соғ танда жароҳат очгувчи ҳам биз.
Тўғри йўл турганда эгрисин танлаб —
Қопқонга урилиб қочгувчи ҳам биз.

* * *

Сени билмак бўлган сўзингга боқар,
Сўзингдан топмаса кўзингга боқар.
Ўзингдан ўзингни сўрамас зинҳор,
Бўзчисан, тўқиган бўзингга боқар.

* * *

Кўз очиб, юмгунча ўтиб бўламиз,
Ўтиб бўлиш демак, ўтин бўламиз.
Ўтин иши фақат ёниб кул бўлмоқ —
Ёнгунча ҳам неча тутин бўламиз.

* * *

Қарилик, бедорлик, ёшлик бу ғафлат,
Ғафлат уйқусидан тура олсанг хўп.
Умрида бедорлик нима, билмайин —
Ғафлат уйқусида кетганлар ҳам кўп.

* * *

Дунёни э, кўрдик ёшликда,
Биз кўрмаган камдан-кам қолди.
Бугун бизни дунё кўрмоқда,
Ёш бир ерга бориб тақалди.

ҚУЙИНИНГ ЮҚОРИ ШОИРИ

Баъзи шоирларни юқори доирада яхши танишади ва улар ана шу муҳитда ўзларини эркинроқ сезишади. Бошқа бир хил шоирларни қуйи доирада эркин қабул қилишади ва улар ана шу муҳитда яхши танилади. Илҳом париси билан қўша қариб келаётган таниқли шоир Толиб Йўлдош иккинчи тоифага мансуб.

Биринчи тоифага мансуб шоирларнинг шеърлари, одатда, муҳаррир қўлидан ходимга, кейин газета саҳифасига чиқади. Толиб Йўлдош ўқувчиларга атаганини, аввал, ходимга топширади, кейин муҳаррирга рўпара келади. Таҳририятга бу галги ташриф жараёнида қоида бузилди ва ходим зарур иш билан жойида йўқлиги учун Толиб Йўлдош ҳижолат бўлиб муҳаррирдан узр сўради. Биз эса муборак 75 ёшини тўйлаб юрган шоримиз ҳақида ўйлаганимиздан нҳчамроқ сўз айтаётганимиз учун узр сўраймиз.

Аслида бунга шоирнинг ўзи сабабчи: сўзнинг ози-ю шеърнинг ихчамини яхши кўради. Ихчамлик эса фалсафанинг қон томири. Демак, Толиб Йўлдош файласуф шоир. Файласуфлик беғуборликдан озуқа олади. Демак, Толиб Йўлдош беғубор шоир. Беғуборлик болаликка хос фазилат. Шунинг учун Толиб Йўлдош болалар шоири ҳамдир.

Ўттиз бешдан ортиқ китоблар муаллифи. Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.

Оқсоқол шоримизни муборак ёши билан «Маърифат»чилар номидан самимий қутлаб, мустаҳкам соғлиқ, ижодий барака тилаймиз!

Саъдулла ҲАКИМ.

• *Китоб жавонига*

ЗАРУР ҚЎЛЛАНМА



Бадиий адабиёт инсон маънавий дунёсини бойитишда муҳим омилдир. Шу боисдан мактабда бадиий адабиёт ўқитиш орқали ўқувчиларнинг бадиий диди, мустақил ижодий фикрлаш қобилияти, китобхонлик маданияти, Ватан тақдири учун жавобгарлик туйғуси тарбияланади ва камол топади. Бу борада кейинги йилларда адабиёт ўқитиш билан шуғулланувчи олимлар, тажрибакор ўқитувчи ва методистлар ўқитиш усули соҳасида бирмунча тадқиқот ишларини қилдилар.

Профессор Асқар Зунунов бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи (А. Зуннунов, Н. Ҳотамов, Ж. Эсонов, А. Иброҳимов) кейинги йилларда «Адабиёт ўқитиш методикаси» қўлланмасини яратишга муваффақ бўлдилар.

Педагогика олий ўқув юртлари ва дорилфунунларнинг она тили ва адабиёт факультетлари талабалари учун мўлжалланган «Адабиёт ўқитиш методикаси» қўлланмасини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган. Китобда ўрта мактабларда адабиёт ўқитиш усулларига доир кўпгина масалалар таҳлил этилади, илғор усуллар тавсия қилинади. Китобдан ўқитувчилар, талабалар кенг фойдаланишлари мумкин.

•

ЯНГИ ДАРСЛИК

А. Ғ. МАХСУМОВ,
И. М. ПРИМУҲАМЕДОВ

БИООРГАНИК КИМЁ



Ибн Сино номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси «Биоорганик кимё» деб номланган янги дарсликни чоп этди. Бу мустақиллик жараёнида ёзилган кимё фани таълимига оид ўзбек тилидаги биринчи дарсликдир. Китоб муаллифлари кимё фанлари доктори, профессор Абдуҳамид Мақсумов, кимё фанлари номзоди, доцент Иной Пирмуҳамедовлар узоқ ва машаққатли изланишлардан кейин мазкур дарсликни яратишга муваффақ бўлдилар.

Дарсликда органик бирикмалар тузилишининг назарий асослари ва реакцияларга қодирлиги изчиллик билан баён қилинган. «Биоорганик кимё» бўлажак шифокорларнинг ҳаётий жараёнларнинг молекуляр асослари билан таништирши, шунингдек талабаларга доривор воситалар вазифасини бажарадиган бир қатор органик бирикмаларнинг таснифи, тузилиши ва хоссаларини ўргатади.

Тиббиёт олий ўқув юртларининг талабаларига мўлжалланган «Биоорганик кимё» дарслигини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таълим жараёнида дарслик сифатида фойдаланишга тавсия этган.

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Ф. Пўлатов номли 36-ўрта мактаб томонидан МАГДИЕВ Собир Хусанович номига берилган № 291552 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат бекор қилинади.

«Маърифат» рўзномаси жамоаси таҳририят бош ҳисобчиси Алла СИМга отаси **Василий СИМ** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

„ЁЛҒОН БУЙРУҚ“ДАН СЎНГ

Ёлғон буйруқ ҳам бўладими, деяпсизми? Шу саволни Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги 52-сонли ўрта мактаб директори Туроб Жўраевга берсангиз, «ҳа» деб жавоб бериши аниқ. Ажабланманг, бизга ишонаверинг.

— Туроб ака, муаллима Людмила Раимбердиевани ишдан қандай асосларга биноан бўшатдингиз?— сўрадик.

— Уни бўшатган эмасман, — деди директор бамайли хотир.

— Бу сизнинг имзонгизми? Думалоқ муҳрни сиз қўйганмисиз? — 207-сонли буйруқни унга кўрсатдик.

— Ҳа, меники. Лекин бўшатган эмасман,— яна ўз сўзида туриб олди у.

— Қизиқ бўпти-ку. Шу йил 20-январь куни ишдан ҳайдаб юборгансиз ва шундан кейин у ишламаган.

— Ишонмасангиз, мана, буйруқ дафтарини кўринг. Қайд қилинмаган,—деб буйруқ дафтарини қўлимизга тутқазди.

Буйруқлар дафтарини кўздан кечирсак, чиндан ҳам Л. Раимбердиевани ишдан четлатиш ҳақдаги буйруқ расман қайд қилинмаган. Дафтарда 207-сонли буйруқ мавжуд. Лекин унда лагерларга тегишли фармойиш бор экан. Биз ажабландик.

— Шундай экан, ҳалиги буйруқ муаллима қўлига қандай тушиб қолди? Имзонгиз ва муҳрингизни эътироф этяпсиз,— ҳайратланиб сўрадик.

— Қўрқитиб қўйиш учун шунчаки ёзиб берган эдим, — деди кўзимизга тик қараб.

* * *

Биз туман халқ таълими бўлимига бориб, мудир муовини Абдуғаффор Оқбердиевга учрашдик. Бизни илиқ қарши олди. Мақсадга кўчиб, Л. Раимбердиеванинг шахси, муаллимлик фаолияти тўғрисида сўрадик. Муовин Раимбердиева ҳақида жуда яхши фикрлар билдирди.

Туман халқ таълими бўлими услубиёт хонаси мудири ҳам Л. Раимбердиеванинг ташаббускор, янгиликка интилувчи, виждонли ўқитувчи эканини алоҳида таъкидлади.

Ҳақиқатда ҳам 52-сонли ўрта мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Раимбердиева биринчи даражали методист-ўқитувчи. Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси. Ҳатто жумҳурият халқ таълими вазирлиги Фахрий ёрлиғи билан ҳам тақдирланган.

Мактабда бўлганимизда, кимдир Л. Раимбердиеванинг бетга чопар, камчилик ва нуқсонларни юзхотир қилмай тўғри юзига айтаверади, бошқа ўқитувчилар, мактаб раҳбарлари ишларига аралашаверади. Оила-рўзғорчилик сабаб баъзан ҳодимлар ишга келмай қолишлари мумкин, ишга кечикиб қолиш ҳоллари бўлса, гапираверади, деди. Бунинг нимаси ёмон? Л. Раимбердиева ишнинг яхши бўлиши, таълим-тарбия соҳасида интизомнинг муҳимлигини эслатиб турар экан-ку. Қанийди, ҳамма шундай бўлса. Ҳаммадан ёмони, «сен менга тегма, мен сенга тегмайман» қабилида иш тутиш.

Директор Т. Жўраев ҳам Л. Раимбердиевани шу «фазилати» учун ёқтирмай қолган бўлса, ажаб эмас.

* * *

Директор Т. Жўраев билан муаллима Л. Раимбердиева ўртасидаги жанжал қаердан чиққан, деб ўйларсиз. Воқеа бундай: 1992 йил июнь ойи бошларида Л. Раимбердиева имтиҳон бўладиган хонани ювдирган, тозалатган, тартибга келтирган. Сўнг калитини билмасдан ўзи билан уйига олиб кетган. Эртаси куни директор калитни олиб кетганини рўкач қилиб, муаллимага қўполлик қилган. Л. Раимбердиеванинг гувоҳлик беришича, директор уни ўқувчилар орасида ахлоқсиз сўзлар билан ҳақорат қилган. Т. Жўраев кечирим сўрамагани учун муаллима бу ҳақда ўрта Чирчиқ тумани ички ишлар бўлимига шикоят тарзида ёзиб берган. Ички ишлар бўлими катта нозири, мелиса капитани Н. Бертаев шикоятда келтирилган далилларни атрофлича текширган ва аризада келтирилган далилларнинг қисман тасдиқлангани учун Т. Жўраевга нисбатан тўпланган материалларни чора кўриш учун туман халқ таълими бўлимига юборган.

Н. Бертаевнинг 1992 йил 22 июндаги алоқа хатига қараганда, директор аёл-муаллимани жамоатчилик орасида, ўқувчилари ичида тазйиқ остига олган. Ўқувчилар ўртасида овоз чиқариб қўпол гапиришнинг ўзи тарбиячиликка зид иш-ку! Қолаверса, аёл кишини ҳақорат қилаётганда, наҳотки кўз олдига Она деган буюк этасиз ўзингизни. Ҳамма ёқ чиннидай тоза. Ўриндиқлар, кўргазмали қуроллар, фан учун зарур бўлган асосий ва қўшимча адабиётлар, ойномалар, илмий асарлар жой-жойида. Хона янги ўқув йилига тахт ҳолда турибди. Жуда чиройли, сифатли қилиб таъмирланган. Биз директордан шу хонани таъмирлаш учун қандай ёрдам бердингиз, қурилиш материаллари топишга кўмаклашдингизми, деб сўраганимизда, у оғзига толқон солгандек ўтираверди. Ҳайратланарлиси шундаки, Л. Раимбердиева синф-хонани ўз ҳисобидан таъмирлаган. Шу беназир ишлари учун раҳмат эшитиш ўрнига туҳматлар заҳрини тотди. «Иғвогар», «шикоятчи» тамғалари босилди пешонасига.

Яна бир нарса ачинарлики, мактаб жамоаси қадрияти топталаётган, ҳўрланаётган кўп болали она, тажрибали ўқитувчининг эмас, балки мансабдор-директор ёнига ўтиб олди. Хизмат юзасиддан кўп мактабларда бўлганмиз, текширишлар ўтказганмиз, мақтов ва танқидий очерклар ёзганмиз. Негадир кўпчилик жойда «жамоа» ҳўрланган кишини эмас, директор томонида туриб адолатсиз хатлар ёзишади, адолатли ва ҳақиқатчи кишини ишдан четлатишни талаб қилишади. Бундай одамларга Муҳаммад алайҳис саломнинг қуйидаги ҳадисини эслатишни лозим топдик: «Кимки ноҳақ адоват ва хусумат қилаётган кишиларга ёрдам берса, то бу ишидан зот келмади экан? Директор биз билан суҳбатда ўқувчиларнинг Л. Раимбердиева устидан шикоят ёзишганини оғиз кўпиртириб гапирди ва муаллимани қоралашга тиш-тирноғи билан ҳаракат қилди. Эй, мусулмонлар, танангизга ўйлаб кўринг-чи, раҳбарнинг ўзи ўқитувчини болалар орасида жеркиб турса, тарбиячилик анъаналарига зид хатти-ҳаракат қилса, ўқувчилардан нимани ҳам кутиш мумкин?

Хуллас, Л. Раимбердиева тирноғи остидан кир изланадиган бўлиб қолди. У қанча ишламасин, меҳнати юзага чиқарилмади. Л. Раимбердиевага биркитилган синф-хонани кўрсангиз табиат қўйнига киргандек ҳис айлантирди.

Ниҳоят, у 1993 йил 20-январь куни 207-сонли буйруғини эълон қилиб юборди. Ҳолбуки, шу буйруққа қадар Л. Раимбердиевага нисбатан ҳеч қандай жазочораси қўлланилмаган эди. Наҳотки инсон тақдирини шунчалар жўн ҳал қилиш мумкин бўлса?! Ташаббускор тарбиячи, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси адолатпарвар бўлгани ва айни чоқда ўз шаънини ҳимоя қилгани учун шунчалар оғир зарбага учраса?!

Шўрлик аёл оғир дардга мубтало бўлди. Директор Т. Жўраев ва «жамоа»нинг дашномларига, ғазабларига дош беролмади. Икки ярим ой чамаси турли касалхоналарда ётиб даволанди. Илгари дўстим деб юрган ҳамкасблари ҳам қочди ундан. Ёлғизланиб қолди.

Ниҳоят, 1993 йилнинг 10-март куни у туман касаба уюшмалари қўмитасига ишга қайта тиклаш ва мажбурий прогуллар учун пул ундириб беришни сўраб ариза берди. Бу аризадан вилоят касаба уюшмалари қўмитаси ҳам хабар топганди. Ҳар иккала ташкилот Л. Раимбердиевани ишдан нотўғри ҳайдалган деб топишди ва ишга тиклаш тўғрисида қарор чиқаришди. Бироқ ўша вақтда мактаб директори Т. Жўраев ўқитувчини ишга тиклаш ҳусусида буйруқ чиқармади ва олдига солиб ҳайдади.

Л. Раимбердиева эса 7-июнь куни директорнинг бу тавба қилмагунича, у Тангрининг ғазабида бўлур».

Хуллас, директор Т. Жўраев билан муаллима Л. Раимбердиева ўртасидаги зиддият кескинлашиб бораверди. Бу кескинликни юмшатиш, уларни яраштириш мактаб жамоасининг хаёлига ҳам келмади. Кўплар томошабин, баъзилар директор ҳимоячиси ролига кирдилар. Натижада носоғлом муҳит юзага келди. Қишлоқ кенгаши раиси ва бошқа маъмурий мансабдардан келиб, мактаб директорлиги курсисига ўтирган Т. Жўраев таълим-тарбия анъаналарига ёт буйруқбозлик усулини авжига чиқарди. Ўзининг директорлик имзоси ва давлат муҳрини ҳам ўйинчоққа ҳатти-ҳаракатидан норози бўлиб, туман халқ таълими бўлими мудирига ариза берган. Кўп болали она ва неваралар бувиси, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Л. Раимбердиеванинг бу ҳақли талаби ҳавода муаллақ қолгач, 14-июнь куни вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғига навбатдаги шикоят хатини ёзишга мажбур бўлган.

Ана шундан кейингина 15-июнь куни Т. Жўраев 18-сонли буйруқ билан ўзининг 207-сонли буйруғини бекор қилган. Мазкур фармойишнинг 2-қисми бизни ҳайратлантирди. «...Раимбердиевани 20-май 1993 йилдан рус тили ўқитувчиси қилиб ишга тиклансин». Бу воқеа 15-июнь куни содир бўляпти. Т. Жўраев нима учун муаллимани ишга қайта тиклашни қарийб бир ой олдинги сана билан расмийлаштирди? Уни касаба уюшмалари қўмиталарининг 18-майда чиқарган қарорига мослаштирдими? Ахир, ўқитувчи 15-июнгача ишламади-ку. Бу қандай найрангбозлик бўлди экан? Майли, бу директорнинг виждонига ҳавола.

Бу билан иш тугамади. Л. Раимбердиева мажбурий прогуллар учун пулларини ололмади. Тўрт томонга чопди. Ишсиз юрган олти ой ичида қанча-қанча қарз-ҳавола қилиб болаларини боқди. Қарз кўтариб, синф-хонани таъмирлади. Олишнинг бериши бор, дейди халқимиз. Қарзларни қайтариш керак. Директор эса яна найранг қила бошлади.

Л. Раимбердиева ҳеч қаердан нажот тополмагач, рўзномамиз муҳарририятига мурожаат қилишга мажбур бўлган. Муҳарририятимиз аралашгандан кейингина Л. Раимбердиевага 140 минг сўмга яқин мажбурий прогул учун ҳақ берилди.

Ҳурматли муштарийлар, кўриб турганингиздек, директор Т. Жўраевнинг шунчаки дўқ-пўписа қилиб қўйиш учун берган 207-сонли буйруғи давлатга қарийб 140 минг сўм зиён келтирди. Қолаверса, айбсиз, ташаббускор муаллима моддий ва маънавий зарбага учради, обрўсига путур етди, соғлигидан ажралди.

Ахир, ҳурматли Президентимиз И. А. Каримов деярли ҳар нутқида халқимизни адолатсизликка чидай олмаслигини алоҳида таъкидлаб, барчани адолатга чорлаяпти. Наҳотки, Ўрта Чирчиқ туманидаги раҳбар ўртоқлар бу доно фикрдан тегишли хулоса чиқариб олмасалар?!

Сафо ОЧИЛ,
Замира ТЎЛАГАНОВА.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Қадрли дадажонимиз Эргаш ИМОМОВ!

60 ёшга тўлиб, биз — дилбандларингизга бош-қош бўлиб келаётганлигингиз дилимизга ғурур, кўнглимизга ишонч бахш этади. 42 йиллик муаллимлик фаолиятингиз давомида нафақат минглаб ўқувчиларингизни қайноқ ҳаётга йўлладингиз, балки фарзандларингизни муносиб толега етиштирдингиз.

Таваллуд топган кунингиздаги чексиз қувончларингизга шерик бўлиб, биз Сизга соғлиқ-саломатлик, узоқ умр, олдиндаги ишларингизга омад тилаймиз.

Фарзандларингиз: ҲУЛКАР, РАВШАН, АВАЗ, РАЪНО, БАРНО, ДОНО.

Меҳрибон онажонимиз Райфа ТУРДИЕВА!

Сиз 40 йил давомида Денов шаҳридаги 2-мактабда ёшларга математика ва физикадан таълим берган бўлсангиз, биз жигарбандларингизга ҳаёт деб номланмиш улуғ неъмат мазмунини англатдингиз. Сизнинг меҳр чашмангиздан баҳраманд бўлиб, тарбиянгизни олиб, камол топиб, бугунги кунда ҳар биримиз ҳаётда ўз ўрнимизни топиб олдик.

Сизни табаррук 60 ёшингиз билан муборакбод этар эканмиз, ҳамиша соғ бўлинг, ёнимизда улкан тоғ мисоли таянч бўлиб юринг, деймиз.

Фарзандларингиз: ГУЛЧЕҲРА, ГУЛСОРА, КЛАРА, ШАВКАТ, НАСИБА, АБДУРАСУЛ, МИРЖАЛОЛ, АДҲАМЖОН, ЗОИРЖОНЛАР.

Ҳурматли Сабоҳат АЗИМОВА!

Сиз 16 йилдирки, ёш авлодга кимё-биология фанларидан сабок бериб, ўзингизнинг кенг феълингиз, тоза қалбингиз, чуқур билимингиз билан нафақат шогирдларингизнинг, балки ҳамкасбларингизнинг ҳам ҳурматини қозондингиз. Сизни туғилган кунингиз билан қутлаб, ижодингизга баркамоллик, ҳаётингизга тотувлик тилаб қоламиз. Ҳамиша соғ бўлинг!

ҚИБРАЙ ТУМАНИДАГИ 37-ЎРТА МАКТАБ ЖАМОАСИ.

Азиз устозимиз ва касбдошимиз Эшонқул НАРЗУЛЛАЕВ!

Сизни туғилган кунингизнинг 60 йиллиги, иш фаолиятингиз бошланганлигининг 40 йиллиги муносабати билан самимий муборакбод этамиз.

Сиздек камтар, одамохун, фидойи меҳнаткаш устозимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, хотиржамлик ҳамда омад тилаймиз.

ҚУШРАБОТ ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ, 13-ЎРТА МАКТАБ ЖАМОАСИ.

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,
Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир: Саъдулла ҲАКИМ
Таҳрир ҳайъати:
Умида Абдуазимова, Ашурали Аҳмедов, Алишер Каримов, Ғаффор Маннопов, Абдулла Орипов, Тотлимурод Отамуродов, Маҳкам Раҳмонов, Маҳмуд Саидаҳмедов, Баҳром Қодиров, Бегали Қосимов, Абдусами Ҳақбердиев /масъул котиб/.

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент, 700083,
Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР:
масъул котиб — 32-54-17,
хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
ИНДЕКС: 64595.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №000040.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-549. 91379 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2.

Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 19.30. 23456.